

ЎҚУВЧИ – ЁШЛАРНИ БУГУНГИ КУНДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯСИ

Жураев Д. Э.

Тадқиқотчи

АННОТАЦИЯ

Уибду мақолада ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашининг аҳамияти ва зарурати очиб берилиб бугуғи кундаги зарурати ҳақида олимларимизнинг фикрлари баён этилиб моҳияти очиб берилди.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, озод ва обод, миллат, маънавий куч, миллий гоя.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена проблемам патриотического воспитания подрастающего поколения как неотъемлемой части духовного воспитания личности, где даны высказывания ученых и мыслителей Востока.

Ключевые слова: патриотизм, свобода и процветание, нация, духовная сила, национальная идея.

ABSTRACT

This article is devoted to the problems of patriotic education of the younger generation as an integral part of the spiritual education of the individual, where the statements of scientists and thinkers of the East are given.

Keywords: patriotism, freedom and prosperity, nation, spiritual power, national idea.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритган ва биринчи президенти И.Каримов 2000 йил 6-апрел қуни Оқсаной Қароргоҳида файласуф, тарихчи, сиёsatшунос, педагог, социолог, психолог, адабиётшунос олимлар, журналистлар, ёзувчи – шоирлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан “Миллий мафкура – мамлакат келажагининг пойdevori” номли нутқида жамиятимиз ҳаётида энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий ғоя ва миллий мавкурани шакллантириш вазифалари, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган илмий – назарий ва амалий ишлар мазмуни ва моҳияти тўғрисида батафсил тўхтаб ўтган эдилар.

Биз озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишда ўзимизга хос ва мос мушакқатли ва шарафли йўлдан бормоқдамиз. Бу йўлга миллий ғоя, миллий мафкура биз учун руҳий – маънавий куч – кувват манбаи ва жамиятни

бирлаштиришни байроқ бўлиб келиши керак. Ўзинг келажагини қўрмоқ ва қўрмоқчи бўлган ҳар қандай давлат, албатта ўз миллий ғоясига, миллий мавқурасига таяниши зарур.

“Биз буюк келажакни яратмоқчи эканмиз, унга пухта ишланган ва чукур ўйланҳан мафкура асосидагина эришишимиз мумкин. Бу айниқса ёшларимизни тарбиялашда асосий курол бўлиб хизмат қилиши керак. И.Каримов таъкидладики бу муҳим вазифани биз бажармасақ, мустақиллик душманлари, давлатимиз сиёсатига ва миллатимиз хоҳиш – идорасига зид бўлган бошқа ҳар хил оқимлар ўз заарали мафкуралари билан ёшклармиз онгини чулғаб олиши мумкин”.¹

И.Каримов ўз нутқида миллий мафкура халқимизнинг ўзлигини англашда, миллий қадриятларимизни йўқотмасдан асраб – авайлаб, келажак авлодга етказишида ҳам муҳим аҳамият касб этишини, жамиятда қарашлар рангбаранглиги, ғоялар хилма – хиллиги, фуқороларнинг ўз фикрини эркин ифода этишини сақлаган ҳолда миллий мафкура хеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, бунга асло йўл қўйиб бўмаслигини алоҳида кўрсатдилар ва зиёлилар билан ўказган учрашуви айни шу мавзуга бағишлиланган бўлиб, улар томонидан белгилаб берилган 7 та вазифа маънавий – маърифий ва мафкуравий ишларимизнинг асосий йўлланмаси бўлиши лозимлиги таъкидланди. Булар:

Биринчи вазифа, миллий мафкуруни давлат, жамият, халқ учун кераклигини асослаб бериш. Давлатчиликнинг хуқуқий асослари. Конститутсия бўлса, унинг маънавий асосларини мафкура белгилаб бериши лозимdir. Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи, давлат, жамият, халқнинг йўлини аниқлаб берувчи омил бўлиши кераклиги. Ижтимоий – сиёсий фанлар кафедралари олдига, аввал, миллий мафкуруни таълим соҳасидаги ўрнини аниқлаб бериш, унинг илмий – педагогис асосларини яратиш вазифасини қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиши.

Иккинчи вазифа, миллий мафкурунинг асосларини яратиб бериш қўйилган. Шу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда маънавият ва маърифат ҳодимлари, ижтимоий – сиёсий фан муаллифлари миллий мафкурага доир тушунча ва асосий атамаларнинг моҳияти ва таърифини изоҳлаб, унинг мақсад, вазифалари, омиллари ва йўналишларини аниқлаб беришлигининг лозимлиги.

Учинчи вазифа, талаба ёшларни ва янги авлодни миллий мафкура асосида

¹ И.А.Каримов Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир Т. Ўзбекистон. 1995-йил – 3 бет

тарбиялаш, бунда тарбиянинг энг асосий мақсади эрки фикрлайдиган, бўлаётган воқеаларга ўз муносабанин тўғри ва эркин билдира оладиган, Ватанга садоқат ва меҳр – муҳаббатли, фидоий инсон сифатида меҳнатсевар ва ҳалол, покиза тарбияланишига қаратилган.

И.Каримовнинг томонидан қўйилган тўртинчи вазифа, бу – тарғибот ва ташвиқот ишларини изчил олиб бориш. Бунда олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари қизиқарли, асосли, далилий кўрсатув ва эшиттиришлар (оммавий ахборат воситалари)да халқ маънавий меросининг намуналарига асосланган бўлиши, авлоднинг онгида қолиши, фикрлашгадаъват этиши лозим.

Бешинчи вазифа, миллий мафкурани милли қадриятларимиз асосида олиб борилишидан иборатдир. Бу борада шундай тарихий мисолларни келтириш лозимки, улар халқ манфаатини, Ватан тараққиётини, тинчлик ва фаровонликка чорлашлари лозим. Масалан: Нажмиддин Кубро мусулмон оламида буюк мутасаввуф бўлган. У Хивада 540 хижрий йилида туғилган. Кубро фақат мусулмон ламида эмас, балки бутун дунёга таникли инсон бўлган. Чингизхон Хоразмга ҳужум қилишдан олдин Куброга чопар юбориб, уни Хивадан кетишга ёки Чингизхон томонга ўтиб фаровон яшашга унрайди. Аммо Кубро бу таклифни рад этиб, шундай дейди: “Мен 70 йил халқим билан яшаб келдим, оғир ва енгил кунларида бирга бўлдим, энди халқим бошига мусибат тушганда мен ўз манфаатимни кўзлаб, халқимга хиёнат қилмайман”. Қамал остида қолган урганчда халқ билан бирга Кубро жанг қилиб, шахид бўлиб кетади. Жангдан сўнг унинг бурда – бурда қилинган жасади топилади.

Кубро халқ манфаати, Ватан озодлиги учун қурбон бўлган.

Тарихда миллий мафкура учун қурбон бўлганлар жуда кўп, улар шундай мисоллар тариқасида келтирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Олтинчи вазифа, миллий мафкурага ёндошда учта асосий мезонга таяниш лозим, улар халқ манфаати, юрт тинчлиги ва Ватан равнақидир.

Еттинчи вазифа, миллий мафкурани давлат мафкураси мақомига кўтармасликни Президентимиз қайта – қайта таъкидлаб ўтардилар. Бу дегани ҳар бир инсон ўз шахсий қарашларига эга бўлиши мумкин, аммо улар юқорида кўрсатилган учта мезонга зид бўлмаслиги, салбий таъсир кўрсатмаслиги лозимдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари жараёнида миллий мафкура, юксак маънавий ва ахлоқий, миллий ва умуминсоний

дадриятлар тараққиёти, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бугунги кунда ҳам анъанага айланиб бораётган Оммавий ахборат вакиллари, яъни радио ва телевидения, газета ва журналлар, олим ва адиблар, жамоат ташкилолари ҳодимлари билан ўтказилаётган учрашуслардан яна бир муҳим 2017-йил Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш билан харакатлар стратегияси тўғрисидаги фармонини ижро этилиши, ёшларни ҳар томонлама ватанпарварлик руҳида тарбиялаш консепсия”ни ишлаб чиқиши. Мустақиллик йилларида изчил олиб борилаётган маънавий – марифий, миллий мафкуравий ва ғоявий тарбиоя ишларимизнинг ривожига қўшилажак катта вазифаларни юклади. Ушбу фармойишда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ва талаба ёшларнинг онгига Ватанинни севиш, миллий мафкуруни сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозловчи комил инсон сифатини шакллантириш вазифаларини қўйди.² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 23-февралдаги “Ёшларни харбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш консепсияси”ни 140-сонли қарори.

Ушбу вазифаларни бажаришда аввало, биз бу соҳада фаолият кўрсатаётган юкори малакали мутахассислардан иборат гуруҳ тузишимиз ва унинг асосий вазифаси этиб республикамиздаги барча ўқув юртлари таълим ва тарбия ишларида ўқувчи ёшларни онгига ватанпарварлик ғояларининг шакллантиришнинг муҳим масалаларини пухта ўйлаб илмий – назарий асосини ишлаб чиқишимиз керак. Булаеда асосий эътиборни жамиятимиз ва миллатимизнинг бирлаштирувчи куч – ватанинни севиш, қадриятларимизни асраб – авайлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан боқиши, мустақилликка хавф солувчи турли экстремистик оқимлар ва гуруҳларга муросасиз бўлиш, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини кўз қрачиғидай асраб – авайлаш каби ғояларни асос қилиб олиш лозим.

Ҳурматли муҳтарам бизнинг Президентимиз ш.М.Мирзиёевнинг ёшларимизни таълим – тарбияларига оид нутқи асосида биз ўрганаётган мавзумизни қайта кўриб чиқиши, уларга ижодий ёдашиш зарур. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жамиятни тараққиётининг ҳамма босқичларида, жумладан ҳозирги мафкуравий кураш авж олган вақтда руҳий – маънавий омил сифатида қудратли кучга айланиб бораётганлиги, айниқса ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, дунёқарashi ҳали мустаҳкам шаклланмаган, ёшларда турли ёд ғоялар таъсирига тушиб қолиши мумкинлигини кўришимиз мумкин ва шу сабабли ушбу

² Зафарий ўзбек мусиқаси тўғрисида. Т. Нафосат. 1992 йил. 18-бет.

соҳасида амалга оширилаётган ҳозирги ишлар талаб даражасида эмаслигини, жумладан бу борада таълим тизимида мавжуд бўлган камчиликларни ўқувчи – ёшларни Ватанпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш билан боғлиқ олдимиизда турган долзарб вазифалар тўғрисида амалга ошириш лозим бўлган муҳим муаммоларни белгилаб берди.

Ушбу мақсади амалга оширишда қуйидаги долзарб вазифаларни ҳал этиш лозимлигини кўрсатиб ўтамиш.

1. Шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатларини бтамом янгича мазмун ва шакл топишида янги хусусиятлар ва тамойилларга асосланиши;
2. Янги қадриятлар ва демократик тамойилларни ўқувчи – ёшларнинг тафаккур тизимига мослаштириш;
3. Ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва унинг янгиланишига бўлган ўз муносабати ва ўрнини, ўз бурчини аниқлаб олиш;
4. Ватанпарварлик ғоялари ва тушунчаларини ҳаётимиздаги ўрни, унинг асосий тамойилларини, ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар;
5. Ватан туйғусини жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини, ҳалқ табиатига, турмуш ва тафаккури тарзини жамият миллий манфаатларини, орзу – интилишларини қай даражада акс эттириши биланўчанади;
6. Диний ақидапарастлик, суний – фанафий мазҳаби, наркабизнес, ноқонуний қурол – ярок савдоси, террорчиликнинг ижтимоий оқибатлари ва унинг барҳам топпиш йўллари;
7. Инсонлар тафаккурига таъсир этувчи оммавий ахборат воситаларининг ўрни ва вазифалари ҳақида;
8. Мафкуравий иммунитет тушунчаси ва мазмуни, унинг баркамол инсон этиб тарбиялашдаги ўрни;
9. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёти сиёсатининг стратегик мақсади – хуқуқий демократик давлат ва янги Ўзбекистон асосланган фуқоролик жамиятини барпо этиш;
10. Мамлакатнинг сиёсий ва давлат қурилиши, унинг асосий хусусиятлари сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждан эркинлиги тамоилларини ижодпарварлик ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш;
11. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг сиёсий – иқтисодий асосий: - ташаббус ва тадбиркорлик, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатларига бўйсундириш, муқобиллик, рақобат, фан ва техниканинг

замонавий ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

12. Жамият маънавий янгиланишдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаравонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик;

13. Ватан ҳақидаги миллий мафкуруни яратиш бўйича биринчидан: халқ миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боориш, унинг бир несга авлод умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришиши, уни миллатнинг энг илғор вакиллари, мутафаккирлари, фидоий зиёлиларининг меҳнат фаолиятини матбуотларда ёритиш; иккинчидан: Ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларини, унинг ўзига хос хусусиятларини, дехқон, ишчи ёки хизматчи зиёлиларнинг юрагидаги гоялар, туйғуларни акс эттириш;

14. Ватан туйғуси, она тилига муҳаббат ва умуминсоний қадриятлар, муқаддас динимизнинг моҳияти;

15. Миллий мафкурага концепсиясининг моҳияти эканлиги;

16. Инсон дунёқарашининг шаклланишида, маърифат, хусусан ижтимоий фанларнинг ўрни. Бу борада тарих ва фалсафанинг ўзоро муштараклиги;

17. Farb ва Шарқ фалсафаси, унинг ўзоро тарихий алоқадорлигига ва бир – бирига тасири;

18. Мафкуравий таҳдидларнинг тинчлик ва барқарорликка, эркин ҳаётимизга жиддий хавфи ва унга қарши курашишнинг асосий омиллари.

Енҳ эътиборлиси, ҳозирги шароитда мамлакатимиз тинчлигига таҳдид солаётган айрим экстремистик харакатлар ва уларнинг заарли моҳиятини ўқувчилар онгига етказиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини унитмаслигимиз керак. Бунинг учун ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш;

19. Қадимий тарихимиз ва маданиятимиз жонажон Ватанимизнинг мустақллик ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланишимиз уларга муносиб бўлиштуйғусини шакллантириш. Шу нуқтайи назарда бу тарихий адабий – фанларнинг ўқув дастури, дарсликларни янгилаш заруриятини аниқлаш ва асослаб бериш, кераклигича вақт кўрсатмоқда. Бу мақсадда ислом дини қадриятларидан умумли фойдаланиш, қурин ва Ҳадислардан олинган маълумотларҳамда буюк алломаларимизнинг бу соҳада айрим фикрлари асосида кичик – кичик рисолаларни яратиб ўқувчиларга

тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

Ватан – инсоннинг авлод – аждодлари, муайям диёнатини бутун вужудига жо қилган халқ туғилиб ўсган ва яшаб ўтган, шунингдек унинг киндиқ қони тўкилган ер куррасининг бирқисмидир. Шу мақсадда тупроқ ўз эгаси – инсонни едиради, ичиради, эгнини, кам кўстини бут қилади. Бундай муборак заминни севиш, унга нисбатан фидоийбўлиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.³

Ватан тушунчаси замираидан ватан туйғуси ва шу туйғу орқалишаклланадиган ватанпарварлик, инсонпарварлик ва инсонга меҳр – мурувват қилиш тушунчалари ётади.

Ватан туйғусининг замонавий тушунчасида ҳар бир инсон ўз оиласи, ўзи яшаб турган заминнинг фарованилиги йўлида ҳалолмеҳнат қилиб, унинг тинч – осойишталигини сақлашга жонини фидо этиб, ўз заминини ва халқи обрўйи – эътиборини, нуфузини асраб – авайлаб, ахлоқ – адоб анъаналарини ва ақидаларига сидқи дилдан риоя қилиш билан белгиланади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ўз нутқи ва асарларида халқимиз маънавиятида одамларимиз юракларига ўзи яшаб турганзаминда яшаб турувчи фуқора, керак бўлса, ўз жонини аямаслиги, болаларимизнинг ёшлиқ пайтлариданоқ Ватанга меҳрини шакллантириб боориш ҳақида куйиниб гапиради: “Авваломбор бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз, умидимиз ва калажагимиз бўмош фарзандларимизни , ёш авлодларимизни Ватан ва ватанпарварлик туйғуси ва мақсади йўлида тарбиялашимиз ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Уларни миллий ва умуминсонийқадриятларимиз асосида, ўз фикру – тафаккури ва замонавий билимларга эга бўлган ватанпарварлар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир”⁴, - деб уқтирад эдилар.

Бундай шахс тарбияси ҳақидаги фикрлар Ислом динимизнинг юраги бўлмиш Қуръони Қарим, Ҳадисларимиз ва буюк алломаларимиз асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ислом дини халқимиз ҳаётига асрлар давомида сингиб кетган буюк қадриятдир. Зоро, ислом иймон, эътиқод, инсоф, ватанга садоқатлик ва инсонпарварлик қоидаларига амал қилишга давит этади.

Ватанпарвар, инсонпарвар ва меҳр – мурувватли бўлиб яшаш ва доимо унга интилиш туйғусининг илдизлари жуда қадимларга бориб тақалади.

Бу ўзбек халқ педагогикаси ва руҳшунослигида, Муқаддас китобимиз

³ И.А.Каримов Ватан саждагогҳ каби муқаддасдир Т. Ўзбекистон. 1995-йил – 3 бет.

⁴ И.Каримов. “Юксак маънавият энгилмас куч” Т. Маънавият. 2008. 15 бет.

Куръони Карим, Ҳадисларимз ва буюк мутафаккурларимиз Абу Наср ал Фаробий, Абу Али ибн Сино, Жалолиддин Добоний, Алишер Навоий ва Ўрта Осиёниг бошқа мутафаккурлари асарларида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда диний таълимотларини ўрганиш, уларни радқиқ қилиш масалаларига ката эътибор берилмоқда.

Ислом дини ва унинг таълимотига бўлган эътибор аниқса мустақилликни қўлга киритганимиздан буёғига кўплаб ёшу – қарияларимиз эътиборини ҳар қачонгидан ҳам ошириб юборди. Чунки ислом кишиларни, қолаверса ёшларни, болаларни ғайринсоний ҳатти – ҳаракатлардан халос этадиган муҳим восита бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун мактаб ёшидаги болалар тарбиясида ҳам ислом ақидаларидан фойдаланиш ката самара беради.

Демак, оила ва мактаб муассасаларида болаларнинг маънавий – ахлоқий тарбиялашда, аввало, уларнинг қалбларига иймониу – эътиқод уруғларини сочиш муҳим.

Болаларга ватан тушунчаси орқали ватанпарварлик, онсонпарварлик ва меҳр – муруват ҳис – туйғуларини шакллантириш мактаб таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий қисмидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг ватанпарварлигимиз, инсонпарварлигимиз халқимиз тараққиётининг олғасилжитган ота – боболаримиз яратувчилик ишларининг бевосита давомидир.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва меҳр – муруват ҳис туйғулари инсоннинг энг юқори туйғуларидан бўлиб, уни мактабгача ёшдаги болалар маънавий – ахлоқий тарбиясида халқимиз урф – адатлари, расм-русумлари, ибратли ҳаёти ва битмас-туганмас қадриятларимиз ва ҳокозалар билан қўшиб олиб борилади.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан буён ўз таълим – тарбиясида ҳам ката ислоҳат қилиб, таълим – тарбия жараёнини ўз шароитларини, миллатимиз руҳияти, асрлар оша сингиб келаётган қадриятлари, келажаги дастури, маърифатли, дини, миллийлиги ва ҳокозаларни ҳисобга олган дастурларни қабул қилди.

Шунинг учун Мустақилликдан сўнг кейинг йилларда қабул қилинган “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастури ва “Болалар боғчалари

дастурларида”⁵ мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ва меҳр- муруват ҳис – туйғуларни шакллантиришга бағишиланган материаллар ўз ифодасини топган.

Жумладан, илк ёш гурухлари учун ўзбек халқ эртакларидан “Бўри ва эчки”, “Шолғом”, “Икки эчки”, “Тўп эртаги”, “бараҳхон”, “Мугомбир хўрор”, “Товуқ момо”, “Тулки билан товуқ”, “Қизғанчиқ ит” ва ҳокозолар воситасида болаларда турли ҳис – туйғулар яъни, қувонч, ачиниш, раҳмдиллик, адолат, тўғри гапириш, меҳрибонлик ва ҳокозолар шакллантирилади.

Ватанга меҳр туйғуларини шакллантиришда қатор ўзбек адиблари асарлари, шеърлари ва халқ оғзаки ижоди, яъни, халқимизнинг маънавий ижодидан фойдаланилади.

“Кўғиз нима дейди?” (О.Абдурахмонов), “Бўталок” (М.Мухаммад), “Адажон, хорманг”, “Уч ёшлилар” (А.Обиджон), “Айиқча” (А.Барто) ва халқимиз оғзаки ижодидан олинган “Ўтирсам – о – ўтирсам”, “Бармоқчалар”, “Ғозим – ғозим бор”, “Бувим” ва ҳакозолар каби шеърларни 2-4 ёшли болаларга ёдлатиш катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ватан табиати, бойликлари, ҳайвонот дунёси, набобатти ва ҳ.з.лар ҳақидаги ҳикоялар болаларга айтиб бериш, турли хил халқ ўйинлари (мазмунида меҳр туйғуларини ва қадриятларимиз бўлган) орқали уларда ватанга энг оддий, сода меҳр туйғулари – уруғларини қалбларига қалбларига илк ёшлиларидан бошлаб сепиб борилади.

Масалан, табиатга сайр пайтларида “Дарахт баргларининг тўкилиши”, “Қуёш ва ёмғир”, “Ўрмонга саёҳат”, “Кушлар бизнинг дўстимиз”, “Қуёнча, ҳо қуёнча” каби жуда кўп мавзуларга болалар эътиборларини қаратиш ҳам улар қалбида чуқур из қолдиради.

Миллатимиз ва ватанимиз, буюк сиймоларининг суратлари (А.Навоий, М.Бобур, А.Темур ва х.к), “Мустақиллик байрами” ҳақида сўзлаб бериш болаларда катта тассурот уйғотади. Катталар меҳнати (жумладан, болаларнинг ота – оналари мрҳнати), атроф – муҳит ва Ватаб ҳақидаги суҳбатлар, ҳикоя ва сайрлар бола қалбида яхшилик, ўзи яшаб турган жойига, уйига, боғчасига, ота – она, атрофидаги яқин кишилари, мураббийига, меҳр уйғотади. Болалар маънабвий – ахлоқий тарбияси тизимида қадрият ва анъаналримиз, миллий халқ ўйинлари муҳим ўринни эгаллайди. Дастурларимизда “Ойи, ойи меҳмон келди”, “Той, той”, “Ачам - ачам”, “Кўзингни юм, оғзингни оч”, “Ўйинчоқларни меҳмон қиласиз”, “Оила” ва х.к. каби халқ ўйинлари ўз

⁵ П.Ибрихимов “Ватан туйғуси” Халқ таълими. Тошкент. 1999й 26-бет.

ифодасини топган. Бу дастурларда дидактик маретиаллар, дидактик ўйинчоқлар, предмет – асбоблае, бадий адабиётлар ва халқ ижодидан танлаб олинган эртак ва ҳикоялар, сұхбатлар, халқимизнинг хаётига, ота-оналар меҳрига, ҳайвонлар, қушлар, гуллар ва х.к. ватанга бағисланған сеърлар, топишмоқлар ҳам ўз ўрнинитопган. Болаларда ватанпарварлик ва унинг заминида инсонпарварлик ва меҳр – муруват хис-туйғуларини шакллантирувчи мавзу ва маретиалларга кенг ўрин берилған.

Масалан, болаларда ватанпарварлиқва унинг заминида ётувчи инсонпарварлик, меҳр туйғуларини шакллантирувчи материаллардан:

А) Ҳикоя қилиб берувчи ўзбек халқ эртаклари, айрим адибларимизнинг болалар учун ёзилған асарларидан “Егри ва тўғри”, “Сахий билан баҳил”, “Зумрад ва Қиммат”, “Ақилли бола”, “Ёлғон дўст”, “Бобур ва кабутар”, А.Навоийнинг “Сер билан Дуррож”, “Хикматли бўлсанг”, М.Муродовнинг “Икки хил ёрдам” ва х.к. кабилари.

В) Ижодий ҳикоя қилиш учун: “Боғчамиз боғида”, “Уй ҳайвонлари ҳақида”, “Бизнинг ўйинларииз”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мемонда”, “Ҳайвонот боғи” ба х.к. каби ҳикоялар.

С) Бадий адабиёт материалларидан шеърлар ёдлаш: э.Воҳидовнинг “Ўлка”, А.Орипов “Она тилимга”, “Қўйга тўлсин она Ватан” (Е.Рахимов), С.Тожи, И.Ешбек “Ей Ватан”, Б.Исройл “Шундай ўлка бор”, Т.Холматов “Она Табиат” каби шеърларни ёдлаш кичкинтоларга маъқул бўлади.

Д) Дастурланинг буюк сиймолар бўлимида: М.Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Беҳрод, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино; Ўзбекистон мустақиллиги учун жонини қурбон қилған инсонлар: А.Қодирий, Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқалар билан таниширишга доир материаллар берилған.

Е) Ўзбек халқининг анъанавий байрамларини ўтказиш. Улар ҳақида (Болалар тилида), гапириб бериш, болалар иштирокида уларга бағищланған эртакларни ташкил қилиш (“Навruz”, “Ҳайит”, “Мехржон”, “Ҳосил байрами” ва х.к.лар) боғча болаларида ватанга бўлган меҳр – туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради.

ХУЛОСА

Бу бўлимда авлод – аждодларимиз, мутафаккирларимиз, рассому – мусиқа санъати бойлигимиз, машхур саркардорларимиз, ватанимиз табиати, табобат ва ҳайвонати, боғларию – экинзорлари, ер ости бойликлари, меҳнаткаш халқимиз,

миллий меросимиз, ўзбек халқ ўйинлари, қўшиқлари, Ўзбекистон байроғи, Герби, мадхияси, ҳамда халқимиз ижодий намуналари ва х.к.лар қаби материаллар ўз ифодасини топган.

Бу материалларнинг барчаси болаларда ўз ватанига севги, ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва меҳр – муруваттаги хис – туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради ва улардан самарали қўлланилаётган таълим учун: Адабиёт, тарих, Ватан туйғуси, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанларининг ўқитувчиларини касбий билим малакалари, Ватан хақидаги қўнилмаларини ошириш мақсадида янада ўкув адабиёт ва қўлланмаларини яратиш мақсадида долзарб масалалардан бири бўлиб хисобланади.

REFERENCES

1. А.Фаробий. Бахт-саодатга эришув хақида. рисолалар, маълумотлар. муҳаррир. Ўзбекистон Ф.А. ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Тошкент. “Фан” 1975, 76- бет.
2. Зафарий ўзбек мусиқаси тўғрисида. Т. Нафосат. 1992 йил. 18-бет.
3. Каримов И.А. Ватан саждагогҳ қаби муқаддасдир Т. Ўзбекистон. 1995-йил – 3 бет.
4. Ибрихимов И. “Ватан туйғуси” Халқ таълими. Тошкент. 1999й 26-бет.
5. Каримов И.А.. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т. Маънавият. 2008
6. Saidov, S. (2022). TARIXIY MANBALARDA KELTIRILGAN IBN AL-MUQAFFA BORASIDAGI MA’LUMOTLAR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 525-528.
7. Saidov, S. A. O. G. L. (2021). IBN AL-MUQAFFANING HAYOTI VA ILMIY FAOLIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(7), 8-14.
8. Saidov, S. (2021). Ibn al-Muqaffaning islom tarjima san’atiga qo ‘shgan hissasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).